

БАҲОРГИ ЮМШОҚ БУҒДОЙНИНГ ЭРТАПИШАР ГЕНОТИПЛАРИ СЕЛЕКЦИЯСИ

Дилмуродов Шерзод Дилмуродович

*қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
катта илмий ходим*

Жабаров Фаррух Одирович

*қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
катта илмий ходим.*

Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институти.

E-mail: s.dilmurodov@mail.ru Тел: +998 88 950 00 21

ORCID: 0000-0003-1671-8554

Аннотация: Ҳозирги кунда глобал иқлим ўзгариши натижасида аномал совуқ, вегетация давридаги қурғоқчилик ва иссиқлик, турли зараркунандалар ва касалликларнинг тарқалиши ғалла етиштиришда бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Республикамиз аҳоли сонининг йилдан йилга ошиб бораётганлиги, экин майдонлари ва сув ресурсларини чегараланганлиги келгуси авлод учун ҳосилдор ва дон сифат кўрсаткичлари юқори, биотик ва абиотик омилларга бардошли янги буғдой навларини ишлаб чиқаришга жорий этишни талаб этмоқда.

Калит сўзлар: кузги юмшоқ буғдой, нав, эртапишарлик, адаптация, маҳсулдорлик.

Мамлакатимизнинг жанубий ҳудудлари эртапишар ва ўртапишар буғдой навларини етиштиришда мўътадил иқлим ҳисобланади. Республикамиз шароитида тезпишар ва ўртапишар навлардан яхши тўлишган донлар шаклланиши яхши кечади, кечпишар навларда эса дон шаклланиш давридаги юқори ҳарорат таъсирида доннинг етилиши муддатидан олдин бўлиши ҳамда юқори хаво ҳарорати (ола булут) таъсирида дон пуч бўлиб қолади, шунга кўра ҳосил ҳам камаяди. Кечпишар навларнинг афзаллиги шундаки, баҳорги-ёзги ҳароратнинг секинлик билан кўтарилиши ва унга мослашиб бориши оқибатида ҳосилдорлик юқори бўлади [1, 2, 3, 4, 5].

Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институтининг суғориладиган майдондаги Я Омонов ҳудудида тажриба олиб борилди. Тажриба объекти сифатида жаҳон генофондидан келтирилган ва маҳаллий шароитда яратилган баҳорги юмшоқ буғдойнинг 30 та нав ва тизмалари олинди. Андоза навлар сифатида Республикамизнинг суғориладиган майдонларида жорий қилинган

Ж.Гавхар, Наврӯз, Парвоз навлари олинди. Тажрибалар 3-қайтарикда, 10 м² қилиб жойлаштирилди.

Рақобат нав синаш кўчатзорида дала тажрибаларини экиш ишлари 22-февралда селекционний сеялка ёрдамида амалга оширилди. Тажрибалар ўсув даври давомида суғориладиган майдонларда ғалла етиштириш учун тавсия этилган оптимал агротехник тадбирлар қўлланилди.

Туплаш фазаси 23-мартдан 27-март кунига тўғри келди. Навларнинг ривожланиш фазаларининг қисқа муддатларда ўтиши, яъни эртапишарлик хусусияти ҳам асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун, танлаш ишларини боришида ривожланиш фазалари қисқа бўлган, юқори туплашга эга бўлган нав ва тизмаларга кўпроқ этибор қаратилди.

Ҳаво ҳарорати илиқ келганлиги сабабли нав ва тизмаларнинг найчалаш фазасига ўтиш даври қисқа бўлганлиги кузатилди. Найчалаш фазаси давомийлиги нав ва тизмаларнинг биологик хусусиятига кўра 14-22 апрел кунига тўғри келди.

Дон тўлишиш даврида ёнгарчиликнинг кўп бўлиши ва ҳароратнинг паст бўлиши дон тўлишиш даврининг ўзайишига сабаб бўлади.

Ўрганилган нав тизмалар 27-апрелдан 4-май кунларида бошоқлаш фазаси ўтганлиги кўзатилган бўлса, андоза Ж.Гавҳари, Наврӯз, Парвоз навларида 1-3 май кунларига тўғри келди. Тадқиқот натижаларимизда 4 та тизмаларда яни 17 th SBWYT-2017-P-6 (New V), KR20-20thDSBWYT-12, KR20-20thHTSBWYT-41, KR20-20thDSBWYT-44 тизмаларда 27-28 апрел кунларни ташкил этиб андоза навларига нисбатан эрта муддатда, 6 та тизмалар кечки муддатда бошоқлаш фазасига ўтганлиги қайд қилинди.

1- жадвал

Нав ва тизмаларнинг ривожланиш фазалари (Қарши 2023 йил)

№	Нав номи	Униб чиқиш. сана	Тупла ш. сана	Найчала ш. сана	Бошоқ -лаш сагаси	Униб чиқишдан бошоқлаш гача бўлган кун
1	Ж.Гавҳари (ст)	12.Мар	25.Мар	21.Апр	03.Май	52
2	Наврӯз (ст)	13.Мар	26.Мар	19.Апр	01.Май	49
3	Парвоз (ст)	13.Мар	27.Мар	18.Апр	30.Апр	48
4	17 th SBWYT-2017-P-72	12.Мар	23.Мар	15.Апр	30.Апр	49
5	17 th SBWYT-2017-P-6 (New V)	12.Мар	24.Мар	15.Апр	28.Апр	47
6	KR19-19thDSBWYT-29782	13.Мар	23.Мар	18.Апр	03.Май	51
7	KR19-19thDSBWYT-29872	11.Мар	24.Мар	22.Апр	03.Май	53
8	KR19-19thDSBWYT-30140	10.Мар	24.Мар	16.Апр	28.Апр	49
9	KR20-20thDSBWYT-02	12.Мар	24.Мар	18.Апр	30.Апр	49
10	KR20-20thDSBWYT-04	11.Мар	24.Мар	16.Апр	02.Май	52
11	KR20-20thDSBWYT-05	11.Мар	24.Мар	17.Апр	01.Май	51

12	KR20-20thDSBWYT-07 (70)	11.Мар	23.Мар	18.Апр	02.Май	52
13	KR20-20thDSBWYT-10	11.Мар	24.Мар	21.Апр	03.Май	53
14	KR20-20thDSBWYT-12	12.Мар	23.Мар	15.Апр	27.Апр	46
15	KR20-20thDSBWYT-17	10.Мар	23.Мар	18.Апр	01.Май	51
16	KR20-20thDSBWYT-22	12.Мар	24.Мар	19.Апр	04.Май	53
17	KR20-20thDSBWYT-25	11.Мар	24.Мар	17.Апр	02.Май	52
18	KR20-20thDSBWYT-30	12.Мар	24.Мар	19.Апр	29.Апр	48
19	KR20-20thDSBWYT-32	11.Мар	24.Мар	20.Апр	02.Май	52
20	KR20-20thDSBWYT-34 (68)	11.Мар	24.Мар	14.Апр	27.Апр	47
21	KR20-20thHTSBWYT-35 (67)	11.Мар	23.Мар	16.Апр	01.Май	51
22	KR20-20thDSBWYT-35	11.Мар	24.Мар	19.Апр	04.Май	54
23	KR20-20thDSBWYT-37	11.Мар	24.Мар	18.Апр	04.Май	54
24	KR20-20thDSBWYT-38	12.Мар	24.Мар	19.Апр	04.Май	53
25	KR20-20thDSBWYT-39	11.Мар	24.Мар	17.Апр	28.Апр	48
26	KR20-20thDSBWYT-41	12.Мар	24.Мар	14.Апр	27.Апр	46
27	KR20-20thHTSBWYT-41	11.Мар	23.Мар	16.Апр	29.Апр	49
28	KR20-20thDSBWYT-44	11.Мар	24.Мар	15.Апр	28.Апр	48
29	KR20-20thHTSBWYT-45	11.Мар	23.Мар	17.Апр	28.Апр	48
30	KR20-20thDSBWYT-48	12.Мар	24.Мар	19.Апр	03.Май	52
		13.Мар	27.Мар	22.Апр	04.Ма	54
	Энг юкори кўрсатгич				й	
		11.Мар	24.Мар	17.Апр	01.Ма	50
	Ўртача кўрсатгич				й	
	Энг паст кўрсатгич	10.Мар	23.Мар	14.Апр	27.Апр	46

Баҳорги юмшоқ буғдой навларини ўрганилган тадқиқотлар натижасига кўра “униб чиқиш-бошоқлаш” даври энг қисқа бўлган KR20-20thDSBWYT-12 тизмаси баҳорги юмшоқ буғдой намуналарининг андоза Ж. Гавҳари, Парвоз, Наврўз навларига нисбатан 4-5 кун олдин бўлганлиги тажрибамизда кузатилди.

Баҳорги юмшоқ буғдой намуналари «униб чиқиш-бошоқлаш» 46 кундан 54 кунгачани ташкил этди.

2-жадвал

Нав ва тималарнинг тўлиқ пишиш фазалари ҳамда вегетация даври (Қарши 2023).

№	Навлар номи	Гуллаш, сана	Пишиш, сана	Вегетация даври, кун	Андоза навлардан фарқи
					Кун
1	Ж.Гавҳари (ст)	12 май	14.Июн	93	0
2	Наврўз (ст)	16 май	14.Июн	93	0
3	Парвоз (ст)	10 май	14.Июн	93	0
4	17 th SBWYT-2017-P-72	12 май	10.Июн	90	3

5	17 th SBWYT-2017-P-6 (New V)	13 май	10.Июн	90	3
6	KR19-19thDSBWYT-29782	8 май	11.Июн	91	2
7	KR19-19thDSBWYT-29872	10 май	10.Июн	91	2
8	KR19-19thDSBWYT-30140	15 май	10.Июн	92	1
9	KR20-20thDSBWYT-02	12 май	10.Июн	90	3
10	KR20-20thDSBWYT-04	12 май	11.Июн	92	1
11	KR20-20thDSBWYT-05	13 май	11.Июн	91	2
12	KR20-20thDSBWYT-07 (70)	16 май	10.Июн	91	2
13	KR20-20thDSBWYT-10	12 май	10.Июн	91	2
14	KR20-20thDSBWYT-12	11 май	12.Июн	92	1
15	KR20-20thDSBWYT-17	11 май	10.Июн	92	1
16	KR20-20thDSBWYT-22	12 май	11.Июн	92	1
17	KR20-20thDSBWYT-25	13 май	11.Июн	92	2
18	KR20-20thDSBWYT-30	13 май	10.Июн	89	4
19	KR20-20thDSBWYT-32	10 май	10.Июн	91	2
20	KR20-20thDSBWYT-34 (68)	9 май	12.Июн	93	0
21	KR20-20thHTSBWYT-35 (67)	12 май	11.Июн	92	1
22	KR20-20thDSBWYT-35	13 май	11.Июн	92	1
23	KR20-20thDSBWYT-37	16 май	12.Июн	93	0
24	KR20-20thDSBWYT-38	12 май	09.Июн	90	3
25	KR20-20thDSBWYT-39	11 май	11.Июн	93	0
26	KR20-20thDSBWYT-41	11 май	11.Июн	91	2
27	KR20-20thHTSBWYT-41	12 май	11.Июн	92	1
28	KR20-20thDSBWYT-44	13 май	10.Июн	91	2
29	KR20-20thHTSBWYT-45	13 май	11.Июн	93	0
30	KR20-20thDSBWYT-48	9 май	10.Июн	90	3
Паст кўрсаткич		9 май	14.Июн	93	0
Ўртача кўрсаткич		10 апр	11.Июн	92	2
Юқори кўрсаткич		13 май	09.Июн	89	3

Тажрибаларимиз натижаларига кўра тулиқ пишиш даври 9-14 июн кунларинини ташкил этди, KR20-20thDSBWYT-38, 17 th SBWYT-2017-P-72, 17 th SBWYT-2017-P-6 (New V), KR20-20thDSBWYT-07 (70) тимамиз андоза навига нисбатан 4-5 кун эрта муддатда бўлган бўлса 1-3 кун фарқ билан пишганлиги аниқланди.

Июн ойининг бошларида биометрик ўлчов ишлари олиб борилди, тадқиқот натижалари нав ва тизмаларининг бўйи қайтариқлар бўйича ўртача 62-84 см ораликда бўлганлигини кўрсатди. Андоза Ж.Гавҳари навида ўсимлик бўйи 65см, Наврўз ҳамда Парвоз навларда 63-64 см ташкил этган бўлса, андоза навга нисбатан 8та тизмаларимизда яни булар KR20-20thHTSBWYT-04, KR20-

20thHTSBWYT-13, KR20-20thHTSBWYT-39 ларда 74-86 смни ташкил этиб юқори кўрсатгичга эга бўлганлиги биометрик кузатувлар натижасида аниқланди.

Кейинги кўрсатгичлар бўйича андоза Ж.Гавҳари навида охирги буғин узунлиги 25 см, бошоқ узунлиги 11 см, бошоқчалар сони 15 дона, Наврўз ҳамда Парвоз навларда охирги буғин узунлиги 25 см, бошоқ узунлиги 11 см, бошоқчалар сони 15 донани ташкил қилган бўлса, андоза навига нисбатан 8 та тизмаларимизда биометрик кўрсатгичлари юқори яъни булар KR20-20thHTSBWYT-04 тизмамисида охирги буғин узунлиги 38 см, бошоқ узунлиги 14 см, бошоқчалар сони 18 дона, KR20-20thHTSBWYT-39 тизмасида охирги буғин узунлиги 32 см, бошоқ узунлиги 13 см, бошоқчалар сони 19 донани ташкил этиб барча нав ва намуналар орасидан юқори эканлиги қайд қилинди (3.23-жадвал).

Биометрик ўлчов натижаларига кўра андоза навларига нисбатан 8 та тизмаларда ўсимлик бўйи 74-84 см, охирги буғин узунлиги 32-35 см, бошоқчалар сони 16-19 донани такил этиб юқори кўрсатгични кўрсатди. Қолган 12 та тизмаларимизда эса ўсимлик бўйи 68 см, охирги буғин узунлиги 25-28 см, бошоқ узунлиги 10-11-см бўлиб паст кўрсатгичлар аниқланиб олинди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, андоза навлардан 4-5 кун эртапишар бўлган 12 та генотиплар борлиги аниқланди ва донор навлар сифатида танлаб олинди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Dilmurodovich, D. S. (2023). Selection of New Genotypes of Winter Chickpeas with High Productivity, High Photosynthetic Productivity, Resistance to Fusariosis Disease and Adaptation to Mechanism. Lampyrid: The Journal of Bioluminescent Beetle Research, 13, 117-126.
2. Dilmurodovich D. S., Odirovich J. F. Growth, Development And Productivity Indicators Of Bread Wheat Lines Established In Local Conditions //Texas Journal of Agriculture and Biological Sciences. – 2023. – Т. 15. – С. 95-102.
3. Dilmurodovich D. S. et al. CREATION OF NEW DROUGHT-RESISTANT, HIGH-YIELDING AND HIGH-QUALITY VARIETIES OF BREAD WHEAT FOR RAINFED AREAS //British Journal of Global Ecology and Sustainable Development. – 2022. – Т. 2. – С. 61-73.
4. Dilmurodov S., Ismailov A. CULTIVATION OF LENTILS IN CONDITIONS OF THE SOUTHERN REGIONS OF UZBEKISTAN //Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 32-35.
5. Дилмуродов Ш. Д. ВЫБОР ВЫСОКОФОТОСИНТЕТИЧЕСКОЙ ПРОДУКТИВНОСТИ, АДАПТИВНЫХ К МЕХАНИЗМУ И ВЫСОКОУРОЖАЙНЫХ ЛИНИЙ ОЗИМОГО НУТА ДЛЯ БОГАРНЫХ РАЙОНОВ //Life Sciences and Agriculture. – 2023. – №. 2 (14). – С. 28-35.